O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 13 MART ◆ SESHANBA ◆ № 32 (26.734)

БАҲОРГИ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида чигит экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва ғалла парваришини янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари ҳамда мутасадди вазирлик, қўмита, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий қишлоқ хўжалиги тайёрлов корхоналари ва хўжаликлар раислари иштирок этди.

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Таъкидландики, ўтган йили минтақамизда об-ҳаво ноқулай келганига қарамай, кўпгина хўжаликларда пахтадан ҳам, ғалладан ҳам режада белгиланганидек ҳосил олишга эришилди. Ҳатто республика пахтачилиги тарихида илк бор сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ белгиланган ҳосилни йиғиб-териб олган хўжаликлар бўлди.

Шу билан бирга, айрим вилоятларда деҳқончиликка жиддий эътибор қаратилмади. Баъзи хўжаликларда етиштирилган пахта 10-15 центнерга ҳам етмади. Мутахассислар бунинг асосий сабаби агротехника тадбирлари ҳамма жойда ҳам бирдек ўз вақтида сифатли ўтказилмаганлигида, деб қарамоқда. Ваҳоланки, шундай хўжаликларнинг раҳбарлари об-ҳавонинг қуруқ келиши оқибатида сув танқислигига дуч келинганини баҳона қилиб кўрсатмоқда.

Шуни ҳам рўй-рост айтиш керакки, умуман пахтачиликда талайгина хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Бунга биринчи навбатда ерни шудгорлаш, ўғитлаш, шўр ювиш, чигит экиш, техникани тайёрлаш ва ғўза навларини жойлаштиришдаги хўжасизликни мисол келтириш мумкин. Шу боисдан жойларда плёнка остига чигит экиш топшириғи бажарилмади, экиш муддати эса асоссиз равишда 10-15 кун чўзиб юборилди. Натижада ўнлаб туманларда юзлаб гектар майдонга чигит экилмай қолди.

Ўтган йили уруғлик, ўғит, ёқилғи, сув, айниқса, ернинг талон-торож қилиниши ҳоллари кўпайгани ҳам кам ҳосил олинишига сабаб бўлди. Масалан, биргина Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида — 330, Жиззах туманида — 259, Зарбдор туманида — 220, Арнасой туманида — 109 гектар майдонга чигит ўрнига полиз маҳсулотлари уруғи экилган. Худди шу йўл билан Самарқанд вилоятининг Челак, Иштихон, Пастдарғом, Каттақўрғон, Жомбой туманларидаги юзлаб гектар майдонда шоли етиштирилган. Табиийки, бу майдонларга сарфланадиган уруғлик чигит, ўғит, ёқилғи, сув, техника ва ишчи кучи учун хўжакўрсинга сарф-харажатлар ҳисоб-китоби олиб борилиб, шу йўл билан ҳам давлат мулкини талон-торож қилиш ҳоллари содир этилган.

Пахта етиштириш учун ажратилган майдонларга бошқа турдаги экинларнинг экилиши ва унинг давлат идоралари ҳисобидан яширилиши фермер хўжаликлар томонидан ҳам содир этилмоқда. Сирдарё вилоятида дон сотиш учун 1256 та, пахта сотиш учун эса 2004 та фермер хўжалиги тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузган бўлса-да, амалда уларнинг аксарияти шартнома шартларини бажармаган. Негаки, улар ҳужжатда кўрсатилган ҳосил ўрнига бошқа маҳсулот етиштирган.

Бундай кўзбўямачилик, ўғрилик, талон-торожлик, шартномавий муносабатларни бажармаслик ҳоллари жорий йил ҳосили учун олиб борилаётган тайёргарлик ишларида ҳам кўзга ташланмоқда. Айни вақтда техника ва экиш мосламаларини мавсумга тайёрлаш ҳам талаб даражасида эмас. Ер ҳайдаш, шўр ювиш, ўғитлаш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларида изчиллик етишмаяпти. Эҳтиёт қисмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари етарли даражада жамғарилмаган. Кўкламга тайёргарлик шу тарзда давом этадиган бўлса, баҳорги экиш белгиланган муддатда ўтказилишига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Юқорида қайд этилган барча хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, баҳорги экишга тайёргарликни ҳамда ғалла парваришини жадаллаштириш масалалари юзасидан республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиев, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев, Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев, Сирдарё вилояти ҳокими А. Исроилов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Кенгашда баҳорги экиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бориш, ер, сув, ўғит, техника, ёқилғи ҳамда ишчи кучидан оқилона фойдаланиш, шартнома шартларининг аниқ бажарилишига эришиш билан бирга, буғдой майсаларини пайҳондан сақлаш, уни суғориш, озиқлантиришни ўз вақтида ўтказиш, айни чоғда ҳосилни нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш чоратадбирларини белгилаш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, В.Отаев, М.Усмонов иштирок этди.

■ (ЎзА)

«МИДАТЕКС» — ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Мидатекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлаганига ярим йилдан ошди. Ана шу ўтган давр мобайнида корхона ўзини оқлади. Олти ой ичида 375 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 180 тонна сифатли ип-калава ҳамкорларга жўнатилди. Шартномага мувофиқ қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 70 фоизи россиялик ҳамкорларга сотилмоқда. Вобкент ип-йигирув ва тўқув фабрикаси базасида ташкил этилган мазкур қўшма корхонада бу йил ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 1600 тоннага етказилади.

■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА...

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ФЕРМЕРЛИККА ЭЪТИБОР

Наманган вилояти фермерлари ихтиёрида 31000 гектар ер бор. Учқўрғон, Мингбулоқ туманидаги тажрибали фермерлар эришаётган натижа ширкат хўжаликларидагидан дуруст бўлса бўляптики, кам эмас.

Лекин вилоят прокуратураси фермерлик ҳаракати жадал ривожланишида ҳали имкониятлар катта, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Наманган ҳокимлигида ўтказилган очиқ мулоқотда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б. Саидов ана шу имкониятлар, жумладан, ердан самарали фойдаланиш муаммоларини ўртага ташлади.

Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Тўлқин Жабборов бошқарган йиғинда иштирок этган муҳасадди ташкилотлар раҳбарлари фермерларнинг ўнлаб масалаларини шу ернинг ўзида ҳал этиб бердилар.

— Бўлар экан-ку, — дейди учқўрғонлик фермер Тўхтахон Шамсиддинова, — бу эътибор ва ёрдамлар туфайли фермерлик энди гуриллаб кетади.

■ Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Поп туманидаги «Ғўримсарой» ширкат хўжалигида 17 дона культиватор ва шунча сеялкалар, 80 га яқин турли русумдаги тракторлар созланиб мавсумга шай қилиб қўйилди.

СУРАТЛАРДА: *1. (чапдан) бош муҳандис Шуҳрат Маҳмудов, ремонтчилар О. Қодиров, Р.Ўлмасов, механизатор Б. Дадажонов.*

2. Тайёр техникалар.

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

ЮРТНИ ЯШАРТИРГАН ИСТИҚЛОЛ

Ахмаджон ЧОРИЕВ, тарих фанлари доктори:

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳамма соҳаларда улкан ўзгаришлар юз берди. Тарихчи сифатида ўзгаришларга тарихий қиёс топиш учун халқимизнинг ўтмиш даврларини бир-бир хаёлимдан ўтказаман ва ҳар гал Ватанимиз XX аср сўнггида қўлга киритган ютуқ — давлат мустақиллиги биз учун беқиёс оламшумул воқеа бўлганига ишонч ҳосил қиламан.

Бугунги кунда Президентимизнинг ташаббуси билан тарихимиз чуқур ўрганилмоқда, миллий қадриятлар эъзозланмоқда, аждодларимизнинг муборак номлари тикланиб, бой мероси тадқиқ этилмоқда. Бу борадаги ишларимиз қутлуғ анъана тусини олиб, Ватанимиз равнақига хизмат қилмоқда.

... 1989 йилнинг дастлабки ойлари. Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаган кезлар. У киши вилоятда кўп дадил ишларни амалга ошира бошлаган эди. Бир куни Қаршидаги тарих музейига вилоятдаги бир гуруҳ олимларни йиғдилар. Тўпланганлар билан илиқ сўрашиб, ҳеч қайсимизнинг хаёлимизга келмаган таклифни ўртага ташладилар: «Сизлардан бир ўтинчим бор. Қашқадарё — қадимий замин, унинг ҳақиқий тарихини ўрганиб, алоҳида китоб қилиб ёзиб берсаларингиз», — дедилар. Кейин, музей деворидаги плакатларга қарадилар-да, хотиржамгина дедилар: «Бу шиорларга парво қилманг. Гап шу!»

Биз ҳаракатга тушдик.

Мен ўзим ўқувчиларим билан Косон туманидаги Ерқўрғонда қазув ишларини олиб бордим. Бу ердан топилган топилдиқлар Ерқўрғонда милоддан аввалги VI-V асрларда шаҳар бўлганини кўрсатди. Биласизки, шаҳар ўз-ўзидан вужудга келиб қолмайди. Бунинг учун аввал жамоа, кейин қишлоқ ҳосил бўлиши, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланиши, бошқарув йўлга қўйилиши, бир сўз билан айтганда, ўзига хос цивилизация шаклланиши лозим. Демак, Ерқўрғоннинг ўзида икки ярим минг йиллик маданий тарих бор экан!

Биз ўшанда фақат тарихни ўрганиш билан кифояланмай, вилоятдаги қадимий ёдгорликларни топиб, уларни асраш ҳақида ўйлай бошладик. Бу ҳам юртбошимизнинг ташаббуси шарофати эди. Шу тариқа Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Гумбази сайидон каби машҳур обидалар билан бир қаторда олис туманлардаги ёдгорлик ва зиёратгоҳларга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, Касбидаги Султон Мирҳайдар мажмуаси (XII аср), Имом Муҳаммад Садрий, Ислом қабристони, Китобдаги Ҳазрати Башир зиёратгоҳи, Ҳазрати Башир Ота мактаби (XVI аср), Муборакдаги Занжир сарой ёдгорлиги (XIII-XIV), Боғи Эшон шаҳристони, Декча сардобаси (XVI аср), Усмон Юсупов туманидаги Чор Гумбаз масжиди, Яккабоғдаги Қаландартепа (II-IX асрлар), Амир Темур таваллуд топган қишлоқдаги Хожа Илғор Ота зиёратгоҳи, Қамашидаги Лангар Ота мақбараси (XVI аср), Қаршидаги Ҳазрати Султон Абдулхайр масжиди (XI-XII асрлар), Ер ости ҳаммоми (XVI аср), Ғузордаги Тоҳир-Зуҳра мажмуаси, Қўрғонтепа (III аср), Мусофир Ота зиёратгоҳи каби осори-атиқалар шулар жумласидандир.

Ўшанда вилоят бўйича шундай обида ва зиёратгоҳларнинг етмиш саккизтаси рўйхатга олинди. Уларнинг аксарияти қаровсиз, вайрона ҳолда ётарди. Чунки шўро даврида бундай обидалар иложи борича йўқ этилар, сақланиб қолганлари ҳам турли йўллар билан оёқости қилинар эди. Уларнинг қанчаси текисланиб, ўрнига экин экиб юборилганини кексалар ҳанузгача эслаб юришади. Шаҳрисабздаги қабристон бузилиб, устига ресторан қурилган экан. Хуллас, бир халқнинг тарихига нисбатан бундай ёвузлик ҳеч бир замонда бўлмаган.

Юртбошимиз ана шундай адолатсизликка қарши мардона бош кўтарди. Олим ва зиёлиларни ҳам ҳақиқатни тиклашга даъват этди. Дастлаб Қашқадарёда бошланган бу жараён у киши республикага раҳбар бўлгач, бутун мамлакат миқёсида кенг тус олди.

Аслида, Ислом Каримов бу ишларни ҳали СССР даврида, партия диктатураси, марказ зулми авж олиб турган пайтда жасорат билан бошлаганлар.

Юртбошимизнинг даъватидан руҳланиб, мен ҳам Қашқадарёдаги муқаддас қадамжолар тарихини ўрганишга киришдим. Ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Китоб туманидаги Ҳазрати Башир қишлоғи ва шу ерлик аллома Ҳазрати Султон Саййид Аҳмадали тўғрисида ҳикоя қилувчи ноёб манбалар «Ҳазрати Башир тарихи» («Мирҳақиқат») ҳамда «Ҳазрати Султон тарихи» қўлёзмалари топилди ва 1996 йил улар Амир Темурнинг тавваллуд тўйи арафасида 15 минг нусхада китоб ҳолида чоп этилди. Буни кўриб ҳазрати Башир қишлоғида яшовчи Аҳмад Ҳайит ўғли кўзига ёш олиб, «Қишлоғимизни диний зулмат макони, Ҳазрати Баширни эса одамларни йўлдан оздирувчи риёкор, деб қанча туҳмату маломатлар қилишган эди. Худога шукр, авлиёларимизнинг юзини ёруғ қилган кунларга етиб келдик. Адолат йўлини очган Президентимиз бор бўлсин, дунё тургунча турсин!» деганлари ҳеч эсимдан чиқмайди.

Бу биргина мисол. Салкам ўн йиллик истиқлолимиз мобайнида қанчадан-қанча қадамжолар обод бўлди, буюк аждодларимизнинг муборак номлари оқланди.

Истиқлол юртимизни яшартирди, халқимизга ўзлигини қайтариб берди. Босиб ўтган йўлларимиз бениҳоя улкан эканига ишонч ҳосил қиламиз.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг 300 дан ортиқ янги қонуни, 14 та Кодекси қабул қилиниб амалиётга жорий этилди. Албатта, шу ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунларнинг устуворлиги боис ўтган ўн йил давомида юртимизда ислоҳотлар ўз самарасини берди. Қабул қилинаётган қонунларнинг дастлаб умумхалқ муҳокамасига қўйилаётгани унинг умуминсоний, халқчил эканлигини таъминламоқда.

Бугун фуқаролар ўз ҳуқуқларини биладиган, қонунларга қатъий амал қилиш орқали эркин ва кафолатли иш юритадиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Қолаверса, мамлакатимиз раҳбари кучли давлатдан кучли жамият сари, деган ғояни илгари сураётган бугунги кунда ҳар бир қонун ва қарорлар ижроси муҳим ўрин тутади.

Йил бошида матбуотда «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Агар прокуратура органларининг олий мақсади халқимизга хизмат қилиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эканлигини назарда тутсак қонун лойиҳасига бефарқ эмаслигимиз аниқ. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси Бектемир туман директорлар кенгаши аъзолари, ташкилот, корхона раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Даставвал туман прокуратураси ходимлари йиғилганларга янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ҳақида сўзлаб бердилар. Сўнгра лойиҳа устида қизғин баҳс-мунозара бошланди. Кенгайтирилган йиғилиш қатнашчиларининг таклиф ва мулоҳазалари Бектемир туман прокуратурасига тақдим этилди.

■ Қаҳрамон ОҚБОЕВ, Бектемир тумани директорлар кенгаши раиси

ЁШЛАР — МАМЛАКАТ УМИДИ, МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

ҲАҚИҚАТ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Тараққиёт эҳтиёжининг табиий зуҳри сифатида бизда янги авлод ўсиб келаяпти. Бу авлод, ҳозирги ёшларимиз миллатнинг янги қиёфасини белгилайди. Асосийси, улар Ватанни озод ва эркин туйғу билан сева бошлайдилар. Биз учун эса энг муқаддас вазифа ёшларимизга ана шу озод муҳаббат имкониятини яратиб беришдир. Шу назардан ёшлар ҳаракати ёшлар эҳтиёжини қондира олиши лозим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускори Ўзбекистон Президенти бўлса-да, давлат раҳбари таклиф киритиш билан чекланганлигини ва ижтимоий ҳаракат дастурининг йўналишини ёшларнинг ўзи танлаши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шундай экан, аввало бу ҳаракат зўрма-зўракиликдан, сохта ташаббускорликдан холи бўлиши керак. Бугун ижтимоий ҳаракат ташвиқоти матбуот ва телевидениеда кенг ёритилаяпти. Ёшларимиз ташаббусга шижоат билан жалб қилинган. Бу шижоат баъзан шунчалик даражага етадики, телевидение орқали чиройли, ташаббускор фикрлар билдирган йигитдан ҳаракат ҳақида экран ортида сўралганда, шунчаки қўл силтаб қўя қолди. Бундай ҳолда йигитнинг қўл силташ ҳуқуқинигина самимийлик сифатида қабул қилиш мумкин. Унинг ташаббускорлиги эса ёлғон, шунчаки, ўз овози, эркини англаб етмаслигининг оқибатидир. Демоқчиманки, ижтимоий ҳаракат тарғиботи шу нарсадан — ёшларни зўраки ташаббускорликка чорлашдан қочиши зарур. Бу ҳам ёшларда мурғак ривожланаётган ўзлик хислатининг иккиланишига олиб келади.

Тўғри, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Шу маънода ижтимоий ҳаракат Низоми ва Дастурининг республика миқёсида муҳокамага қўйилиши, ёшларнинг бу борадаги талаб, истаклари инобатга олиниши яхши. Аммо, таъкидланганидек, ёшлар ҳаракати мафкуравий эмас, ижтимоий эркин ҳаракатдир. Шунингдек, бу ҳаракат маълум бир ўн йилдаги авлод учун тузилаётгани йўқ, ўз-ўзидан бўлғуси авлодларнинг иродасини ўзида мужассам этувчи қолип бўлолмайди. «Камолот» дастур тарғиботида эмас, иш фаолиятида ўзини кўрсатиши лозим бўлади. Шундагина у ёшларни англаши, манфаатларини ҳис қилиши ва шу орқали ўзининг аниқ, ҳаётий дастурини кашф этиши мумкин.

Эътибор берсак, эски «Камолот» борасида кўп танқидлар билдирилди. Унинг тузилишида эса бугунгидек умидлар билдирилганди, дастур ва низомлар муҳокама қилинганди. Олдинги ташкилот ҳам ёшлар манфаатига асосланганди. Хўш, янги ижтимоий ҳаракат бирон йил ўтиб эскисининг ҳолига тушиб қолмаслигига қандай кафолат бор? Менимча, ҳеч қандай. Янги ижтимоий ҳаракат ишни шу кафолатга эга бўлишдан бошлаши керак. Бунинг учун ижтимоий ҳаракат қандай заруратлар боис вужудга келганини мукаммал англаши лозим.

Ҳукумат бу заруратни, эҳтиёжни англади: биринчидан, ёшлар орасида турли оқимларга қўшилиш юз бермоқда, ишсиз ёшлар бор. Уларда ижтимоий фаоллик паст, ёшларимизни руҳий бир уйғоқлик тарк этаяпти, ўзларига бўлган ишонч суст. Бу ҳолат давлатни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас.

Янги ижтимоий ҳаракат ёшлар онгида, руҳиятида содир бўлаётган ана шу психологик жараёнларни англаши лозим. Бунга қуруқ тарғибот орқали эришиш қийин. Мавжуд муаммоларга барҳам бериш учун ёшлар ҳаракати аъзоларининг сони эмас, сифати зарур бўлади.

Ёшлар муаммосининг вужудга келишида улардаги маълум бир ғоявий бўшлиқ ҳам сабаб деган фикр бор. Инсон учун энг олий неъмат бу унинг эркинлиги. Унинг Ватан олдида ҳам, ота-она олдида ҳам эркин, ҳур бўлишигина бахт. Озодлик туйғусидан туғилган муҳаббатгина муқаррардир.

Менимча, ёш авлод шу озод туйғуни илғаши лозим. «Камолот» истеъдодли, қобилиятли ёшларгагина эътиборни кучайтириши эмас, аксинча руҳий саросимадаги ёшларга яқинроқ бўлиши лозим бўлади.

Хуллас, «Камолот» муваффақиятининг кафолати ёшларнинг маиший, ижтимоий талабларини инобатга олиш билангина амалга ошмайди. У ёшларни жалб этиш учун аниқ ваколатларга эга бўлиши керак.

■ Малик МАНСУР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 13 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	171,53	10 Люксембург франки	78,06
1 Австрия шиллинги	22,88	1 Малайзия рингити	88,85
1 Англия фунт стерлинги	495,19	1 Германия маркаси	161,00
10 Бельгия франки	78,06	1 Польша злотийси	85,25
1 Голландия гульдени	142,89	1 СДР	437,33
10 Греция драхмаси	9,25	1000 Туркия лираси	0,37
1 Дания кронаси	42,21	1 Финляндия маркаси	52,96
1 БАА дирхами	91,92	1 Франция франки	48,00
1 АҚШ доллари	337,60	1 Швейцария франки	204,51
1 Миср фунти	87,01	1 ЕВРО	314,88
10 Испания песети	18,92	10 Жанубий Корея вони	2,64
100 Италия лираси	16,26	10 Япония иенаси	28,03
1 Канада доллари	218,44	1 Россия рубли	11,80
1 Хитой юани	40,79	1 Украина гривнаси	62,26

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНАМИЗ

ЗАРУРАТ ВА ҚОНУНИЯТ

Конституцияни билиш, унинг мазмун ҳамда моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишда Президентимизнинг 2001 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Конституцияни билиш, унинг талабларини сўзсиз бажариш давлатимиз ва халқимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга етишишининг гарови бўлиб хизмат қилади. Конституциянинг қоидаларини чуқур ўрганмаган одам ўзининг келажакдаги ҳаёт йўлини мустақил равишда мақсадга мувофиқ белгилай олмайди. Ҳар бир шахс давлатимизнинг ваколатли идоралари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама билиб олишлари ҳамда уларнинг қонун-қоидаларини эгаллаб, уни ҳаётга тўла татбиқ қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ана шундагина фуқароларнинг бошқа ҳар қандай қонунларни ўрганиб, билиб олишлари осонроқ кечади. Бунинг учун эса эндигина ўқишни, ёзишни ўрганишни бошлаган болага алифбо қандай усулда ва тартибда ўргатилса, Конституция ва унинг меъёрлари ҳам худди шундай асосда ўргатилиши зарур.

Конституцияни барча фуқаролар ўрганишининг ниҳоятда зарурлиги шундан иборатки, чунки унда Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият тузилиши, давлат сиёсатининг йўналишлари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, республикамизнинг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат органларининг ташкил топиши ва иш фаолиятининг асосий принциплари юридик асосда мустаҳкамлаб қўйилган.

Хўш, Конституцияни ўрганишни ташкил қилиш учун нима ишлар қилиш зарур?

Шулардан келиб чиққан ҳолда алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчидан, ҳар бир фуқаронинг онгига Конституцияни ўрганиш ҳуқуқий саводхонликни оширишнинг алифбоси эканлиги тўғрисидаги тушунчани сингдиришдан ва уларнинг фикрини шунга мослаштиришдан бошланиши лозим. Бу вазифаларни талаб даражасида мақсадга мувофиқ бажариш учун биринчи галда барча фуқароларнинг онгида шунга ишонч ва эътиқод туйғусини шакллантириш зарур. Иккинчидан, Конституцияни кенг равишда ўрганишни йўлга қўйиш учун даставвал Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституциянинг барча қоидаларини кенг халқ оммаси онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганишга доир махсус дастур ишлаб чиқилиши ва унинг асосида махсус ўқув ва услубий қўлланмалар яратилиши лозим.

Фуқароларнинг конституциявий саводхонлигини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларида таъсирчан самарадорликни ошириш мақсадида Конституциянинг моддаларини плакат, шиор ва бошқа рангли, безакли тарзда чоп қилдириб уларнинг барча идоралар, ўқув тарбия муассасалари ва керак бўлса ҳар бир оилада бўлишини таъминлаш керак. Аҳолининг конституциявий билимларини оширишга йўналтирилган Конституция моддаларининг ёки тушунчаларининг изоҳли луғатини тайёрлаш ва уни тегишли тартибда нашр қилишни йўлга қўйиш лозим. Бу вазифаларни лозим даражада бажариш учун барча аҳолини Конституцияни ўрганиш билан боғлиқ бўлган ўқув-услубий материаллар билан тўлиқ таъминлашни йўлга қўйишга эришмоқ зарур. Зотан, конституциявий саводхонлик ва маърифат фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини шакллантиришнинг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳосидир. Шуларнинг негизида Конституцияни талаб даражасида мақсадга мувофиқ ўрганиш мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли ва мураккаб вазифани сифатли ва изчиллик билан амалга оширишга ҳамда амалда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий маънодаги ҳимоясини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса шуки, кимлигимиздан қатъи назар, ҳар биримиз юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига тўла етиб бориб ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор». Бу эса жамият ҳаётидаги ҳар қандай масалани қонуний, адолатли ва ижобий тарзда ҳал қилишга ёрдам беради.

■ **Эргаш САЙИТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

ҲАМКОРЛИК

Ғиждувонлик қандолатчи аёллар касб маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўлдилар. «Тадбиркор аёл» уюшмаси туман бўлими Германия ҳунармандлар палатаси билан ҳамкорликда бир неча кун ўқув амалий машғулотлар ўтказди. 20 нафар хотин-қиз қатнашган бу машғулотда ўзбек-немис ҳамкорлиги лойиҳасига кирувчи 130 га яқин касб йўналиши асос қилиб олинди. Қандолатчилар Германия технологиясини қўллаш йўли билан асалли пряник, торт, пирожний пишириш-нинг сир-асрорларини ўргандилар. Шу боис Ғиждувон бозори расталарида Германия ҳунармандчилиги услубида тайёрланган пишириқлар кўпайиб қолди.

■ **Баҳрон ДАВРОНОВ**

НАФОСАТ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида вилоят ички ишлар идоралари тизимларида хизмат қилаётган аёллар, фожиали ҳалок бўлган ходимларнинг умр йўлдошлари ва фахрия аёлларга катта байрам кечаси ташкил этилди.

Кечада вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Шоҳиҳим Расулов ҳам бекалик, ҳам посбонликни нозик жуссаларига сингдира олган мунис ва муҳтарама аёлларни байрам билан самимий табриклаб, уларнинг машаққатли, шу билан бирга шарафли ишларида муваффақиятлар тилади.

Оила кўрки, юртнинг таянчи бўлган аёлларимиз таниқли санъаткорларнинг куй ва қўшиқларидан баҳраманд бўлдилар.

■ **Рустам ПИРМАТОВ**

ҲАЁТ ВА ТИББИЁТ

БЕМОР ВРАЧГА АЙТИШГА
БОТИНМАГАН ДАРДИНИ ҲАМШИРАГА АЙТАДИ

Бу дунёда ҳамширага иши тушмаган кишининг ўзи йўқ. Ҳар биримиз қачон бўлмасин, уларнинг меҳрига, марҳаматига сазовор бўлганмиз. Ҳамшира врачга ҳам, беморга ҳам бирдек ёрдамчи, дўст ва сирдош бўла олиши керак.

Шу хусусда сухбатлашиш учун Мунира Турсунхўжаева номидаги Тошкент тиббиёт билим юрти директори Мирмажид Абзаловга мурожаат қилдик.

— Мирмажид ака, агар янглишмасам, Тошкент шаҳрининг ўзида еттита тиббиёт билим юрти мавжуд. Шу ўқув юртларидан сиз бошқараётган даргоҳнинг қандай фарқли жиҳатлари бор?

— Бу даргоҳнинг ташкил бўлганига ҳадемай 17 йил тўлади. Мен билим юртимиз очилган кундан бери шу ерда ишлайман. Учта бўлимимиз бор: ҳамширалик, акушерлик (доялик), тиш — ҳамширалик бўлимларимиз фаолият кўрсатади. Барча тиббиёт билим юртларида ҳам мутахассис ҳамширалар тайёрланади. Ўқув дастурларимиз, режаларимиз ва мақсадларимиз ҳам айнан бир хил. Ҳар йили бу маскандан 300 нафардан ортиқ ҳамшира ҳаётга учирма қилинади. Лекин шундай бўлишига қарамай, мен уларни қаерда ва қачон учратмай барибир таниб оламан. Демак, қизларимизнинг қандайдир, бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари бордир-да!.. Бизнинг қизларимиз ҳамма вақт табассум билан қўли кўксида юришади. Билим юртимизнинг шиори ҳам шу.

— Ҳамшира тиббиёт ходими ҳисобланади. Беморни оёққа турғазиш учун фақат табассум ва ширин сўзнинг ўзигина кифоя қилмайди, менимча! Сиз врач сифатида бугунги кун ҳамширасидан нималарни талаб қилган бўлардингиз?

— Ҳамшира энг аввало ўз касбини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чуқур билиши,



врач келгунча беморга ёрдам кўрсата оладиган даражада бўлиши шарт. Ундан сўнг ҳамшира катта психолог — руҳшунос бўлиши керак. Чунки айрим беморлар борки, врачга айтишга ботинмаган дардларини ҳамширага айтадилар. Ана шундай пайтларда ҳамширанинг хушёрлиги ва билимдонлиги касалга ҳам, шифокорга ҳам қўл келади.

— Чет давлатларда ҳар бир хонадоннинг ўз адвокати, врачи, ҳамширалари бўлади. Бу масалага қандай қарайсиз?

— Албатта, ҳар бир оиланинг ўз ҳамшираси бўлса, нур устига аъло нур бўларди. Негаки, ҳар қандай оилада битта ҳамшира учун етарли юмуш топилади. Лекин бу нарсани амалга ошириш оилаларимизнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ. Мен умид қиламанки, Ўзбекистонимиз шу тарзда ривожланишда давом этса, албатта, сиз айтган нарса амалга ошади. Лекин тиббиёт ходими қаерда бўлмасин, уйдами, транспортдами, жамоат жойларида ёки меҳмондами — ўз бурчини бажариши шарт.

— Домла, назаримда врачлар ва ҳамширалар дунёдаги энг безовта халқ. Улар кутилмаганда кўпинча уйқусидан, ҳаловатидан кечишга мажбур бўладилар. Нима деб ўйлайсиз, мана шундай фидойи касб эгасининг моддий таъминоти, ижтимоий аҳволи, иш билан таъминланиш масалалари ҳозир қониқарлими?

— Мен дунёдаги бирорта касбни хотиржам касб деб айтолмайман. Масалан, ўт ўчирувчини олинг. Ёнғин ҳеч қачон режа билан содир бўлмайди. Ҳамма вақт фавқулодда, кутилмаганда рўй беради. Ёки шоир, ёзувчилар, деҳқонлар ё ўқитувчилар уйқусидан кечишмайдими! Йўқ, улар ҳам кечишади ҳаловатидан... Сиз айтган безовталикни машаққат деб эмас, бахт деб, фахр деб тушунаман. Чунки тиббиёт ходимларига инсон тақдирини ҳимоялашдек буюк вазифа топширилган. Ижтимоий аҳвол масаласига келсак, врач ва ҳамшираларнинг маошлари камлиги бор гап. Бироқ иш билан таъминланиш назаримда рисоладагидек, ҳозир ишсиз юрган ҳамширани тополмайсиз. Кунлар келиб тиббиёт ходимларининг энг мўътабар ва бой инсонлар бўлишига ишонаман.

— Юртбошимизнинг таклифлари билан янги асрнинг биринчи йили «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Келинг, энди оналар ҳақида гаплашайлик.

— Менинг онам ниҳоятда дилбар ва зиёли аёл бўлган. Ўзлари олий маълумотли доришунос бўлишларига қарамай, биз — олти нафар фарзандларининг камолини ўйлаб ишламаганлар. Ойим шўрлик саратон касали билан оғриб, Ленинград шаҳрида даволанаётганларида Ёқубжон укам фожиали тарзда ҳалок бўлди. Онам ўғлининг жасадини кўрмаган. Она тафаккурининг шунчалик буюклиги ва равшанлигини қарангки, таъзия ва айрим маъракаларни ўтказиб ёнларига борсам: «Болам, уканг Ёқубжоннинг ишлари дурустми! Анав куни бир туш кўрдим, мен ўлганмишман-у, Ёқубжон ўғлим тобутимга осилиб мен билан қабрга кириб кетаётганмиш», деб қолсалар бўладими! Она кўнглининг сезгирлигини қаранг!.. Онам Тошкентга қайтганларидан сўнг ортиқ сир сақлашнинг иложи бўлмади, албатта... Онамнинг дарди саратон касали эди, у кишига офтобда юриш мутлақо мумкин эмасди. Бироқ онам бизларни ўқишга, ишга кузатиб қўйиб, қабристонга бориб, ўғлининг қабрини офтобда қучоқлаб ётиб, йиғлаб-йиғлаб ҳовурини босиб келарканлар. Балки онам марҳум ўғлининг дийдорига тўёлмай қолганлари учун, балки уйда кўз ёш қилиб бизларнинг юрагимизни эзмаслик учун шундай қилгандир. Бунисини билмадим. Лекин нима бўлгандаям ойим фарзанд доғида куйиб-куйиб 53 ёшларида қазо қилганлар. Биласизми, биз ниҳоятда оналаримизни асрашимиз, қўлимиздан келса улар учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Биз оналаримизни, фарзандларимизни асрашимиз керак. Ўғил-қизларимиз эса бизнинг эртанги кунимиз, келажагимиздир. Мен ўз волидаи муҳтарамамизга, ўз жигарларимизга қандай беминнат ва тез ёрдам кўрсатсак, диёримиздаги барча-барча оналарга ва болаларга худди шундай яхшиликлар қилинишини истардим.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Замира ЭГАМБЕРДИЕВА суҳбатлашди**

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ

МУҚАДДАС БУРЧНИ АДО ЭТИБ

Инсон боласини ҳамиша бир нарса ўйлантиради. У қанчалик илмга, билимга эришмасин, техника тараққиёти сари қадам ташламасин, табиатнинг кутилмаганда юз берадиган офатлари олдида ожиз эканини ҳис этади.

Ўтган беш йил мобайнида мустақил юртимизда фуқаро муҳофазаси тизимини янада яхшилаш бўйича тажриба орттирилди. Хусусан, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятида ҳам ижобий силжишлар бўлди. Сирасини айтганда, бизнинг бошқарма ходимлари ўша машъум 1999 йилги воқеа кунлари ўзига хос синовдан ўтишган, десам муболаға бўлмас. Кутилмаганда юз бериши мумкин бўлган террористик хуружлар вақтида хавфсизликни таъминлаш тизими фидокорлари Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни адо этишга ҳамиша тайёр туришга ўргандилар.

Бошқармамизда илк марта хўжалик ҳисоби фаолиятининг ташкил этилиши ҳам ўйлайманки муваффақиятлар сирасига киради. Изчил дастур асосида қутқарувчиларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, қутқарув асбоб-воситаларини такомиллаштиришда бюджет ҳисобидан эмас, балки қўшимча имкониятлардан фойдаланишга ўтилганини бозор иқтисодиётига мослашиш деб қараш мумкин. Турли корхоналарда фуқаро муҳофазаси бурчаклари ташкил этилган. Ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида, муассасаларда фуқаро муҳофазаси бўйича ана шундай қўлланмалар асосида машғулотлар ўтказиш самарали кечмоқда. «2000-2001 йиллар — Тошкент шаҳар раҳбариятининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва унга тайёргарлик йиллари» деб эълон қилинган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Хусусан, ўтган йил мобайнида 6768 нафар раҳбар ва 12 мингдан зиёд иш билан банд бўлмаган аҳоли ўзига хос тайёргарликдан ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ташаббуси билан Ўрта Осиёда илк бор Оврўпа мамлакатларининг «911» ва «112» хизматлари намунасида «Қутқариш хизмати» ташкил этилиб, республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ривожланган мамлакатларникидан қолишмайдиган махсус асбоб-ускуналар, қутқариш воситалари ҳамда қутқариш автоуловлари билан таъминланди. Қутқарувчиларимиз эса кутилмаган вазиятларда тўрт мингдан зиёд одамга ёрдам кўрсатиб, юзлаб кишиларни қурбон бўлишдан, 500 млн. сўмдан кўп халқ бойлигини асрадилар. Пойтахтликларга «050» телефон рақамлари орқали исталган вақтда мурожаат этиш, маслаҳат олиш хизмати йўлга қўйилган. Қутқарувчилар сафига ғоввосларнинг қўшилиши сабаб ёз ойларида чўмилаётганлар орасида чўкиш ҳодисаларининг қарийб 30 фоизга қисқаришига эришилди.

Дўст оғир кунда билинади, дейишади. Қутқарувчиларимиз фақат ўз зиммаларидаги бурчларини адо этиш билан чекланмасдан турли мамлакатларда юз берган нохушликларни бартараф этиш ишларида ҳам қатнашмоқдалар. Жумладан, ходимларимиз АҚШ, Германия, Бельгия, Голландия, Франция, Япония давлатларида табиий офатларни бартараф этишда кўмаклашдилар.

Яна бир гап. Шаҳар бошқармаси негизида жамоатчилик асосида спорт фахрийларидан иборат юз нафар кўнгилли қутқарувчилар жамияти ташкил этилди. Жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи бу жамият аъзолари орасида миллатимиз фахри, таниқли боксчи Руфат Рисқиев, Европа ва Осиё чемпионлари бор. Улар ўз Ватани ва халқига наф келтириш йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Биз бундан буён ҳам фуқаро муҳофазаси тизимида барча ишлар барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилаверамиз.

■ **Эргаш ИКРОМОВ,**
Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

БЕКОБОДНИНГ ЯНГИ КОЛЛЕЖИ

Бекобод тумани маркази — Зафар шаҳарчаси кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб, чирой очиб бормоқда. Айни кунларда бу ерда 900 ўқувчига мўлжалланган маиший касб-ҳунар коллежи жадал сурьатлар билан бунёд этилаётир. Коллеж ўрни уч ярим метр чуқурликда қазилиб, бинолар пойдеворига икки ярим метр шағал тўшаб чиқилди. Бундай сермашаққат вазифани бажариш чоғида юзлаб техникадан фойдаланишга тўғри келди. Табиийки, бу иш қурувчиларнинг маҳоратини синовдан ўтказиши керак.

Ўқув биноси билан ёнма-ён ошхона, спорт зали, ишлаб чиқариш устахоналари, 200 ўринли ётоқхона тикланмоқда. Коллежнинг қозонхона ва сув минораси ҳам алоҳида бўлади. Қурувчиларнинг фикрича, бўлажак коллеж чинакамига замонавийлик касб этиши керак.

Бу ерда маиший хизматнинг 16 тури бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Пойтахт вилоятида бундай кадрларга эҳтиёж катта. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади-ган мазкур замонавий касб-ҳунар коллежи ҳадемай нафақат бекободлик, балки қўшни Оққўрғон, Бўка, Пскент туманлари ёшларини ҳам ўз бағрига олади.

СУРАТЛАРДА: *1) Коллеж қурилишидан лавҳалар. 2) Пайвандчи И. Пиримқулов. 3) Ишчилар А. Султонов, А. Салимбоев, иш юритувчи А. Собиров.*

■ **Н. ДУШАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ХДП ХАБАРИ

«КУЧ» — КУЧЛИ КЛУБ

Яқинда Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида ўтказилган «Зарафшон спортининг келажаги» спорт байрамида ЎзХДП Зарафшон шаҳар кенгаши ҳомийлигида тузилган «Куч» ёшлар спорт клуби ўзининг кўргазмали чиқишлари билан ишқибозларни мамнун этди.

Ўтган йил республика ва Осиё мусобақаларида эришган ютуқлари учун тақдирланган ёш спортчилар қаторида «Куч» ёшлар спорт клубининг ҳам 3 нафар иштирокчиси борлиги қувонарли. Бугунги кунда мазкур клубда 100 дан ортиқ ёшлар спортнинг шарқона кураш турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Шаҳардаги «Шодлик» меҳрибонлик уйида тарбияланаётган ёшлар ҳам клубда мунтазам шуғулланишмоқда.

Қисқаси, ёш авлодни жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб вояга етказишда клуб етакчи роль ўйнамоқда.

■ **Баҳодир ҚОСИМОВ,**
ЎзХДП Зарафшон шаҳар кенгаши биринчи котиби

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Янги асримиз, шубҳасиз, маънавият асри бўлажак. Янги йилимизнинг дастлабки кунларидаёқ илм масканларида ўтказилаётган тадбирлар фикримизга далилдир.

Ташкил топганига тўрт йил тўлган «Жаҳон адабиёти» журнали ҳар ойда нашр қилиниб туриши билан бир қаторда турли адабий учрашувларнинг ташаббускори ҳамдир. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири Тошкент шаҳар солиқ коллежида бўлиб ўтди. Учрашув мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишланди. Унда республика туманлари солиқ бошқармалари раҳбарлари ва ходимлари қатнашдилар.

Тадбирда иштирок этган журнал бош муҳаррири муовини, шоир Мирпўлат Мирзо, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва таниқли адиб Ҳожиакбар Шайховлар учрашув қатнашчиларининг берган саволларига қизиқарли ва мазмунли жавоблар бердилар, истиқлол руҳида йўғрилган ижодларидан намуналар ўқидилар.

Сухбат орасида халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ижро этган мумтоз қўшиқлар тадбирга файз киритди.

Бўлиб ўтган қизғин учрашув иштирокчилар қалбида ёрқин таассурот қолдирди. Тақдим этилган мусиқий дақиқалар ҳамда шеърий лаҳзалар тадбирда қатнашган барча меҳмонларнинг дилини хушнуд этди.

■ **Гулнора МУҲАММАДЁРОВА**

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 13, 27 апреля 2001 года в 10 часов аукционные торги.

На торги выставляются:

Автотранспортные средства, принадлежащие ВХТЦ «Уздиптранссервис», расположенному в Шайхантахурском районе, ул. Хуршида, 112:

— автомобиль Опель Вектра, гос. № 02 35 ТНД, стартовая цена 1 510 623 сума;

Автобазе Узминздрава, расположенной в Мирабадском районе, ул. Мирсалихова, 13:

— автомобиль ИЖ-2715, гос. № 8429 ТНБ, стартовая цена 180 589 сумов;

— автомобиль ГАЗ-2413, гос. ; 10 AD 854, стартовая цена 212 147 сумов.

Наш адрес:

г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Мовароуннахр, дом 16а. Телефон для справок: 133-20-74.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

АГАРНИ МАГАРГА КУЁВ ҚИЛСАЛАР...

ЁХУД ОЛИҚ-СОЛИҚ МОЖАРОСИ

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 27-модда.)

ШИКОЯТ

Агар инсон дард чекиб, чидаб бўлмас даражага етмаса, асло фарёд қилмайди. Тоқат қилади, дардини ҳам бировга ёрмайди. Бироқ ноҳақлик юз берса-чи?.Бу сафар ҳам шундай ҳодисага дуч келганга ўхшардим. Шикоят хатидан:

«Мен пенсионер Мейлиев Суяр ва рафиқам Марқаева Роҳат сизга ушбу хатни ёзишимиздан мақсад шуки, фарзандимиз аҳоли эҳтиёжи учун шифер олиб келиб, уйимиз олдига туширган эди. 19 май куни «Жигули» машинасида 3 та йигит уйимизга кириб келди ва шифер сотишни сўради. Биттаси «уста уйимда шифер ёпаяпти, 20 дона етишмаяпти», деб ялинди. Охири, «нархини билмайман, паспортларингизни ташлаб кетасизлар», дедим.

Улар 20 дона шиферни ажратишди ва биттаси трактор олиб келаман, деб кетди. Бошқа машиналарни эргаштириб келди. Улардан М. Бегалиев, Ф. Ўтанов, У. Раҳматов, Х. Исомиддинов, У. Сатторов, Ш. Даминов, Ф. Тўхтамишов, С. Ҳусанов, Р.Нодиров, З. Юсупов, Э. Тўраев фамилияли кишилар тушишди. Уларнинг фамилияларини ёзиб қолдирган далолатномалари орқали билдик. Аммо улар 14 киши эди, далолатномага 12 киши қўл қўйди.

«Нексия» машинасида келган одам «Тўхта, пулни бу ёққа олинг, бошқача ҳисоб-китоб қиламиз», деди. Шиферни устида турган пулларни қўлимга ушлатиб, видеога туширишди. Мен «уйимни текширишга рухсатномаларингиз борми?» деб сўрадим. Ҳеч қандай ҳужжат кўрсатишмади. Суратга тушириш давомида уйларимни, подвалларни очиб кўрди. У ёкда шифер нима қилсин?

Мен уларга ҳужжат ўғлимда эканлиги, келса олдиларига жўнатишимни айтдим. Шунда сариқроқ Ўрал деган йигит дўқ уриб: «Аҳмоқ қилманг, документни топмасангиз қамаб юбораман», деди. Аёлимни ҳақорат қилди. Тилхатни икки марта ёздиришди ва шиферни магазинга киритиб, бекитишди. Мен пулини ҳам магазинга қўйиб кетишни талаб қилдим. Рад этиб жўнаб кетишди.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Рухсатсиз уйимда тинтув ўтказишга солиқ ходимларининг ҳуқуқи борми? Уларнинг қўлида текширишга рухсатнома йўқ эди. Шикоят ким томонидан тушганини ҳам билдиришмади. Мен ва рафиқамнинг Конституциямизда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқларимизни топтаб, ҳақорат қилишди. Тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайиб бораётганда, солиқчиларга ҳеч қандай ҳужжатсиз уйимни текширишига ким рухсат берган?»

